11.00 "Язь против еды"
11.30 Х/ф "Дело Батагами"
14.00 "Полигон".
Спецбоеприпасы
14.30, 16.45 Большой спорт
14.55 Баскетбол.
17.20 Лыжный спорт. Чемпионат мира. Масс-старт. Мужчины. 50 км.
Прямая трансляция из Швеции
19.45 Х/ф "Отдел С.С.С.Р."
01.45 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"
02.25 "Основной элемент".
02.55 "Основной элемент".
03.25 "На пределе"
03.50 "Человек мира". Каталонский дух
04.50 Конькобежный спорт. Чемпионат мира по спринтерскому многоборью. Трансляция из Казахстана
05.45 Чемпионат мира по бобслею и скелетону. Трансляция из Германии
06.35 Х/ф "Лорд. Пес-полицейский"

Табрик.бай.уз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Чироқчи телекоммуникациялар боғламасининг шаҳар телефон тармоғи муҳандиси **Ҳамза ЭШОНҚУЛОВНИ** 55 ёши билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилади.

ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Навоийлик почтачиларнинг ўртача иш ҳақи, 2014 йил якуни бўйича, олдинги йилга нисбатан 19,8 фоизга ўсди. Бу ҳам "Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоий филиалида 2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини бажаришда ижобий натижага эришилганига бир мисолдир.

Бугунги кунда Навоий филиали ва туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида 546 нафар ходим меҳнат билан банд. Жами ходимларнинг 283 нафари — хотин-қизлар, 204 нафари — 30 ёшга тўлмаган ёшлар.

Жамоа шартномасининг саккизта банддан иборат "Иш берувчининг мажбуриятлари" ва "Касаба кўмитаси мажбуриятлари" бўлими талаблари тўлиқ бажарилди.

Филиалнинг узоқ йиллар ишлаган ходимларидан 413 нафарига 135 886 100 сўм кўшимча ҳақ тўлаб берилди. Меҳнатни муҳофаза этиш бўйича етти банд қабул қилинган бўлиб, уларнинг барчаси бажарилди. Жумладан, ходимларни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш, иш шароитини яхшилаш ҳамда хоналарни санитария-гигиена талабларига мослаштириш чоратадбирлари амалга оширилди. Ходимларни суғурталашга 1 562 632 сўм, тиббий кўриқдан ўтказиш учун эса 920 100 сўм маблағ сарф этилди.

Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари доимо ёнма-ён юради. Оғир жудолик кунларида инсон яқинлари, қадрдонлари ва ҳамкасблари мададига, меҳрига муҳтож бўлишини

барчамиз яхши биламиз. Яқин қариндошлари вафот этган ходимлардан 17 нафарига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Юбилей саналарини нишонлаётган ходимлардан тўққиз нафарига 3 138 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. Икки ёшгача бола тарбиясида бўлган 39 нафар ходимга 47 933 000 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган.

Филиал пенсионерлари ардоқда. Жамоа шартномасига асосан имтиёзли абонент тўлови бўйича 46 нафар пенсионерга 867 000 сўм тўлаб берилди.

Беморларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Филиал жамоаси муносиб меҳнат шароитлари яратилганидан ва ижтимоий ҳимояланганликларидан кўнглилари тўқ ҳолда, эл-юрт хизматига ҳамisha лаббай, деб жавоб бермоқдалар. Зеро, жамоа шартномаси — ишонч кафолати эканлигини ишчи-ходимлар йиллар давомида ҳис этиб келишяпти.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

МУҲИМ ВАЗИФА

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиалида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан соҳа тизимидаги барча вилоят, туман, шаҳар корхона ва ташкилотларининг иш юритиш ва ижро интизоми бўйича масъул ходимлари учун "Ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини янада кучайтириш" мавзуда ўқув семинари ўтказилди.

Семинарда ҳудудий бошқарма бошлиғи Б.Хидиров сўзга чиқиб, ўқув семинарида олинган билимларни иш жараёнида қўллаб, ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб, иш юритиш ва ижро интизоми бўйича мавжуд камчилик ва нуқсонларни баратараф этиш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

Семинар давомида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги қонун, ҳужжатларни идоравий архивга тайёрлаш, соҳа фаолиятига доир асосий ҳужжатлар билан ишлаш, ижро бўйича ҳисобот жадвалларини юритиш ва йиғма жилдлар номрўйхатини тузиш, йиғма жилдларни шакллантириш, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва индекслаш қоидалари, "ХФУ" грифи остидаги ҳужжатлар билан иш юритишни ташкил қилиш қоидалари бўйича кенг тушунчалар берилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тегишли жавоблар олишди.

Б.ЮРСУНОВ
Сирдарё вилояти

MASLAHAT

Компьютер соз машаққат оз

Баъзан компютеримиз ишлаши секинлашиб, дастурларда биз билмаган носозликлар пайдо бўлади. Бу эса, қалбатта, иш унумимизга, қолаверса, руҳиятимизга салбий таъсир кўрсатади. Шундай ҳоллар учун justcoolidea.ru сайти мутахассисларнинг куйидаги маслаҳатларини тақдим этмоқда.

1. Баъзи вируслар дастурлар ишлашига тўсқинлик қилади. Шу туфайли антивирусингиз яхши ишлаб, янгиланиб турганига амин бўлинг. Буни DrWebCureit ёки шунга ўхшаш айрим дастурлар ёрдамида бепул текшириб кўришингиз мумкин.

2. Компютер секинлашиб қолганида процессор ҳароратини текшириб кўриш керак. Буни Everest каби дастурлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бунинг учун дастурни юклаб олиб, ишга тушириш. Менюга кириб, "Компютер" бандини, сўнг "Датчик" бандини танланг. У ерда процессор ҳарорати акс этади. Агар у 50 даражадан юқори бўлса, вентиляторлар ишлашини текшириб кўриш, ундан ҳам яхшиси, радиаторни ечиб, процессорга янги термопаста суриш керак, у шу пайтгача қуриб кетган бўлиши мумкин.

3. Компютерингиз хотирасини у ёқилганида ишга тушган дастурлар "ёб" ётган бўлиши мумкин. Гап шундаки, қанадидир дастурни ўрнатганингизда у автоматик равишда ишга тушадиган дастурлар рўйхатига кириб қолиши мумкин. Бунга барҳам бериш учун "Пуск"га кириб, "Выполнить"ни босинг ва пайдо бўлган ойначага "msconfig" буйруғини кириштириб, "ОК"ни босинг. Очилган ойнадаги "Автозагрузка" меносини танланг, бу ерда кераксиз дастурлардаги барча "галочка"ларни олиб ташланг. Бироқ "ctfmon" ва антивирусингизни қолдиринг. Энди "Применить"ни, сўнг "ОК"ни босинг ва компютерни қайта юкланг.

4. "С" диски тизим диски бўлиб, у кўпинча 20-30 гигабайт ҳажмида бўлади. Баъзилар катта ҳажмдаги мусиқа ва филмларни иш столи ("Рабочий стол")да сақлайди, ахир иш столида турган нарсалар "С" дискидаги жойни эгаллайди. Шу туфайли катта ҳажмли файлларни бошқа дискларда сақланг.

5. Кўп дастурларни ўрнатиш ва ўчириш яхши эмас. Афсуски, дастурларни ўчириш уларнинг компютердан тўлиқ йўқ қилинганини билдирмайди. Бу эса турли вазифаларни бажаришда процессорга ортиқча юк бўлиб тушади. Бунда CCleaner дастури сизга қўл келиши мумкин.

Бунинг учун уни ишга тушириб, "Реестр" меносини танланг, барча "галочка"ларни белгилаб, "Муаммоларни қидириш" ("Поиск проблем") тугмасини босинг. Шунда дастур реестрдаги кўплаб кераксиз кенгайтмалар ва хатоликларни топиб беради. "Созлаш" ("Исправить") тугмасини босиш орқали кераксиз нарсаларни ўчириш мумкин.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб чет тилларни ўқитиш махсус дастур асосида, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари орқали йўлга қўйилди. Жумладан, филиалнинг инглиз тилини ўргатиш бўйича лингафон хонаси замонавий воситалар билан жиҳозланиб, "Тиллар" кафедрасига бириктирилди.

ЯНГИ УФЗЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ўқув машғулоти мултимедиа воситалари ёрдамида электрон тақдиротлар кўринишида, интерактив усуллар ва инновацион технологиялар асосида тўрт гуруҳда ўтказилди.

2014 йилнинг сентябр ойидан фанларни инглиз тилида ўқитиш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилди. Маъмурий йўналишда мутахассислик фанлари ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича дарслар инглиз тилида ўтилмоқда. Бундан ташқари, филиалда барча ҳоҳловчилар учун инглиз тилига ихтисослашган "Clever students" тўғраги фаолият юритаётди.

— Инглиз тили фанидан профессор-ўқитувчилар учун махсус ўқув жадвали ишлаб чиқилган, — дейди ТАТУ Самарқанд филиали директори Абдували Холжигитов. — Шу пайтгача тўрт нафар ўқитувчимиз Жанубий Кореянинг етакчи университетларида тўрт ой малака ошириб келишди.

ТАТУ Самарқанд филиали профессор-ўқитувчиларининг нуфузли халқаро илмий журналларда инглиз тилида мақолалар чоп этишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда физика-математика фанлари доктори Равшан Индиаминов раҳбарлигида "Тил-

лар" кафедраси профессор-ўқитувчилари билан биргаликда халқаро илмий журналларда мақола чоп этиш бўйича "Маслаҳат маркази" ташкил этилди.

“

Филиалда барча ҳоҳловчилар учун инглиз тилига ихтисослашган "Clever students" тўғраги фаолият юритаётди.

”

Филиалда халқаро илмий алоқаларни ўрнатиш юзасидан талай ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 2014 йилнинг 8-16 сентябр кунлари малайзиялик профессор Норита хоним С++ дастурлаш тили бўйича талабаларга машғулот ўтди.

Жанубий Кореянинг етакчи университетларида малака ошириб қайтган тўрт нафар ўқитувчи амалий тизимлар ва лаборатория, С++ дастурлаш, объектга йўналтирилган дастурлаш фанларидан дарсларни инглиз тилида ўтишяпти.

Иқтидорли талабалар учун 7та илмий тўғрақ ишлаб турибди. Дастурлаш бўйича халқаро чемпионатга ҳозирлик кўраётган махсус "Дастурчи" тўғраги талабалари учун ҳам кўшимча инглиз тили машғулоти йўлга қўйилган. Шунингдек, талабалар битирув малакавий ишлари ва магистрлик дис-

TATU FILIALLARIDA

сертацияларини инглиз тилида ҳимоя қилишига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ушбу талабаларга инглиз тили ўқитувчилари бириктирилган ва йилдан-йилга инглиз тилида диплом ёқлаётган талабалар сони ошиб борапти.

ТАТУ ва унинг худудий филиаллари инглиз тили ўқитувчилари ўртасидаги "Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси" республика кўрик-танловида филиалнинг "Тиллар" кафедраси инглиз тили ўқитувчиси З.Эшонкулова ҳам қатнашиб, совриндор бўлди.

ТАТУ Самарқанд филиалида инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини, касбий билим ва маҳоратларини оширишда Ўзбекистон Инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси (UzTEA), Тошкентдаги Британия Кенгаши ва ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан ўтказилаётган ўқув-тренинг машғулоти, семинарларнинг роли катта бўляпти.

Тошкент ахборот технологиялари университетига унинг худудий филиаллари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, университетнинг юқори салоҳиятга эга кафедраларини, худудий филиалларнинг турдош кафедраларга таянч сифатида бириктириш, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, таълим соҳасида амалга оширилаётган ишланмалар ва ютуқларни ўзаро татбиқ этиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида филиалнинг "Тиллар" кафедраси ва ТАТУ "Чет тиллар" кафедраси ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилиб, қатор ишларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, инглиз тили фанидан талабаларга онлайн дарслар ўтиш, ҳар иккала кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш, ҳаммуаллифликда илмий мақолалар ёзиш, халқаро, республика илмий-амалий конференцияларида иштирок этиш, иқтидорли талабаларни тайёрлаш ва уларнинг нуфузли халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда иштирокини таъминлаш шулар жумласидандир.

Бундай саъй-ҳаракатлар ўқитувчи ва талабаларнинг чет тилларни янада яхши ўзлаштиришига, илмифанда янгидан-янги уфқларни очишга хизмат қилиши тайин.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

YANGI KITOB



ЎЛЧОВ ДАТЧИКЛАРИ

(юқори аниқликдаги сифат назорати)

Датчикларни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан шуғулланувчи мутахассис ва муҳандис-техник ходимларга, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари ва ўқитувчиларига мўлжалланган ўқув-услубий қўлланма нашрдан чиқди. Қўлланма муаллифлари: М.Муҳитдинов, Х.Қулматов.

Ўқув-услубий қўлланма датчиклар асосий турларнинг ишлаш принциплари, уларнинг синфланиши, афзалликлари ва камчиликлари, қўллаш хусусиятлари кўриб чиқилган. Датчикларнинг конструкциялари билан бир қаторда, қайд қилиш қурilmаларининг схемалари ва тўлиқ тавсифи, улардан олинadиган сигнални қайта ишлаш ва индикацияси келтирилган.

Биринчи мартаба датчикларда физик жараёнларни Матлаб асосида моделлаш бўйича маълумотлар баён қилинган. Датчикларнинг математик модели, асосий характеристикалари, иш тартиби ва параметрларини ҳисоблаш ва график таҳлил қилишни таъминлаш ҳамда чиқувчи сигнални қайта ишлаш имкони ёритилган.

Датчик сигналларини рақамли қайта ишлаш, интерфейс, сигналларни қабул қилиш ва узатиш тизимлари баён қилинган.

Китобдан изоҳлини луғат ва қисқартмалар ҳам ўрин олган.

Рақамлар дунёси



Жанубий Африкада яшовчи дамара халқи фақат бешгача санашни билади, негаки, улар бир кўли билан иккинчи кўлининг бармоқларини санашади. Тирикчилиги асосан чорвачиликка қараб қолган дамараликлар, шунга қарамаздан, қорамолларини деярли йўқоштирмайди. Чунки улар барча жониворларни "башараси"дан танишади.

марказ ишларига доимо амалий ёрдам беришмоқда. Улар китобхонларга электрон дарсликлардан, интернетдан фойдаланишда кўмакка тайёр.

Ҳар бир дақиқа қадрига етиб, бўш вақтларини маънавиятга, ахборот-ресурс маркази фаолиятига бағишлаётган ўқитувчилар кўплиги мақтовга сазовордир.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

ФАОЛЛИК

Олтириқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ахборот-ресурс маркази 20 мингдан зиёд китоб фондига эга.

Мактабда 1835 нафар ўқувчи бўлиб, шундан 1550 нафари марказга аъзо. 110 нафар педагог ҳам фаол китобхон ҳисобланади. Эътиборлиси, 8-синф ўқувчиси Зулфия Саминджонова яқинда туман миқёсида ўтказилган "Энг фаол ки-

тобхон" танловида фахрли биринчи ўринни олди. У вилоят босқичида ўтказилган танловда учинчи ўринни эгаллаб, мақтов ёрлиғи билан тақдирланди.

Нафисахон Ҳасанова, Лола Абдуллаева каби ўқитувчилар

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир даврда, таълимнинг барча жараёнлари қатори, ёшларга профессионал билим бериш ва уларни мутахассис даражасига етказиш олий таълимнинг асосий вазифасига айланган. Ушбу мезонларни дастур қилиб олган Тошкент ахборот технологиялари университети "Телестудия тизимлари ва иловалари" (ТТИ) кафедраси мудир, устоз-педагог Ботир БОЗОРБОВЕВ тинимсиз изланишда.

Ботир аканинг кўплаб филмлари мукофотларга сазовор бўлган. 2005 йили Марказий Осиё экологик журналистикаси 5-фестивалида "Қайғу тўлқинлари" филми "Энг яхши операторлик иши" номинациясида ғолиб бўлди. "Бебаҳо мерос" номли ҳужжатли филми эса МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кинофестивали лауреатига айланди. Режиссёр Н.Аббосов билан тасвирга олинган "Сўнгги чизик" ҳужжатли филми Ханти-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро экологик телевизи-

он фестивалида "Олтин гагара" мукофотини қўлга киритди. Айниқса, режиссёр М.Тўйчиев ва бош оператор Б.Бозорбоевлар ҳамкорлиги махсули — 2008 йили тасвирга олинган "Регистон — Самарқанд гавҳари" номли ҳужжатли филми Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган кино санъати соҳасидаги энг яхши асарларнинг "Истиклол солномаси" танловида биринчи мукофот билан тақдирлангани катта аҳамиятга эга.

Ботир Бозорбоев 1955 йили Нукус шаҳрида таваллуд топган. Отаси Жолдас Бозорбоев таниқли журналист, бобоси эса моҳир заргар бўлган. Ёшлигидан кино кўришни ёқтирган Ботирга илк бор кино ҳақида бувиси Розия момо сўзлаб берган. Бу бежизга эмас, чунки Розия момонинг машҳур Худойберган Девоннов билан қариндошлиги бор... Шу ерда Худойберган Девоннов ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Чунки Розия момо қолдирган маълумотларга кўра, Х.Девоннов Хоразмга кўчиб келган немис фотографи Зилгелм Пенерга ёки Панор бобога шогирд тушган. Илк марта фотоаппаратни қўлига олиб, қандай ишлатилишини, суратларни қандай тасвирга олиб тайёрлашни у айнан Панор бободан ўрганган экан. Х.Девонновнинг отаси Нормухаммад Хива хонлиги девонхонаси бошлиги вазифасида хизмат қилганлиги учун ўгли Худойберганга сарой эшиклари очик эди. У аввал Санкт-Петербургда фотоаппаратни, кейин эса Париждан "Пате" номли киноаппаратни ҳамда кинони суратга олиб намойиш этиш учун керакли барча ускуналарни ўзи олиб келган. Шу тариқа кинофилмлар олишни бошлаган. Албатта, бу ишларнинг бошида Хива хони Феруз турган. Унинг бетақдор ижодкор, адабиёт ва санъат

Сулолага муносиб ворис

ОПЕРАТОРЛИК ВА МУАЛЛИФЛИК ИШЛАРИ

- "Денгиз сувга муҳтож" (1975 й., реж: Н.Азимов);
- "Орол қизлари" (1988 й., реж: Б.Музаффаров);
- "Денгизгача" (1988 й., реж: Б.Музаффаров);
- "Осойишталик..." (1989 й., реж: Б.Бозорбоев);
- "Қалин" (1989 й., реж: Б.Бозорбоев);
- "Илон йили" (1989 й., реж: Б.Музаффаров);
- "Энажон" (2006 й., реж: Б.Бозорбоев);
- "Оламини маҳлиё айлаган диёр (Мадҳия)";
- "Саховатли элдир бу" (2008 й.);
- "Бебаҳо мерос" (2009 й., реж: М.Тўйчиев)

ва бошқалар.

ҳомийси эканлиги эса еттидан етмишгача маълум. Девоннов хоннинг топшириқларини бажара туриб, оддий халқ ҳаётидан ҳам кўп кинолавлар олишга улгурди.

Ҳўш, Х.Девонновнинг ҳикоямиз қаҳрамонига қандай қариндошлиги бор?

— Худойберган Девонновнинг амакиси Мамут қози Хива ва Тўрткўлда қози лавозимида ишлаган, — дейди Ботир ака. — Мамут қозининг Розия исми қизи бўлиб, мен унинг набирасиман. Розия момом менга кино улкан бир экранда кўйилиши мумкинлигини гапириб берганлари ҳануз кечагидек эсимда.

1973-1975 йиллари Б.Бозорбоев Тошкентдаги "Ўзкинохроника" студиясида ишлаб, Малик Қаюмов ва Шуҳрат Мақсудовларга ассистентлик қилди. Кейин эса Нукусдаги "Ўзкинохроника" студияси

филиалида ишини давом этди.

1982-1987 йиллари Б.Бозорбоев Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида кинооператорлик йўналишида ўқиди. Сўнг Тошкентдаги киностудияда ишлаб, Қорақалпоғистон мавзудидаги кўплаб филмларни олди.

— Бугун ишлатилган техника эртага эски бўлиб қоляпти, — дейди Ботир ака. — Бундай ҳолат оператордан янгиланиб туришни, ишлаб чиқарилаётган техникалардан хабардор бўлишни тақозо этади. Янги чиқаётган техникаларнинг тасвир сифати юқори, ҳаттоки ҳаваскор камералар ҳам жуда сифатли тасвир олади. Уларнинг ҳажми ҳам кичкина. Илгариги кинооператорлар буни тасаввур ҳам қилмаган.

Б.Бозорбоев талабаларга соҳанинг нозик жиҳатларини ўргатиш билан бирга, тасвир яратишда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш қирраларидан ҳам сабоқ бериб бўлишяпти. Масалан, "Спорт кино ва телевидениеда" номли Тошкент халқаро фестивалида 2012 йили "ТТИ" кафедраси талабаси Хожиакбар Исмоилов "ТАТУ спорт маликаси" филми, 2014 йили эса Талгат Гимранов "Фан ва спорт менинг ҳаётимда" филми учун тақдирландилар.

Ўртимиздаги имкониятлардан унумли фойдаланиб, талабаларни изланишга, янги марраларни забт этишга ундаётган Б.Бозорбоев каби устозларимизнинг доим толеи кулаверсин, ижодлари бундан-да сарбаланд бўлаверсин.

Камолитдин ИСМОИЛОВ,
ЎзДСМИ магистранти

Давр руҳи Мақсад — янги марраларни забт этиш

Шитоб билан илгарилиб бораётган бугунги кунда ҳар бир замондошимиз даврга монанд ҳаракат қилмоғи даркор. Чунончи, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлиш — бугунги куннинг асосий талабидир.

Хоразм вилоятида АКТ соҳасидаги малака ошириш курсларида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини ўқитиш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, ҳукуматимиз раҳбари ташаббуси билан ТАТУ Урганч филиали қошида ташкил қилинган "Электрон ҳукумат" ўқув марказида ишчи жамоа тузилди.

Марказ 200 ўринли мажлислар зали, музокаралар хонаси, 40 ўринли амалиёт хонаси, ўқитувчилар ва услубият хоналаридан иборат бўлиб, замонавий ўқув ва моддий-техник жиҳозлар билан таъминланган. Махсус ажратилган учта

компьютер хонасидаги 63та компьютер тўлиқ интернет тизимига уланган. Ўқув хоналари видеопроектор, моторли экран, акустик тизим, сенсорли мультимедиа экран билан жиҳозланган.

2014 йил якуни бўйича вилоят миқёсида икки томонлама шартномалар асосида 780 нафар ходим "Замонавий АКТдан фойдаланиш, компьютер техникаси ва интернет тизимида ишлаш бўйича турли даражадаги малака ошириш курсларида ўқитилди ва тегишли сертификатга эга бўлди. Худди шу кўрсаткич Навоий вилояти бўйича 730 нафарни ташкил қилганини ҳисобга олсак, ўқув маркази томо-

нидан жами 1500 нафардан ортиқ тингловчилар турли даражадаги ўқув курсларига жалб этилди. Шунингдек, раҳбар ва бошқарув ходимлари учун ташкил қилинган махсус 20 соатлик "Электрон ҳукумат" ўқув курсида 2014 йил мобайнида 247 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Ўқув курсларини самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида тўртта, вилоятнинг турли ҳудудларидаги 12та касб-ҳунар коллежиди 14та — жами 18та синф хонаси ажратилди. Касб-ҳунар коллежларининг 14та компьютер хоналаридаги 180та компьютернинг 145таси интернет тармоғига уланган.

Ушбу малака ошириш курсларини юқори савияда ташкил этиш ишларига вилоят бўйича 28 нафар шуҳрадан, филиалдан саккиз нафар, Урганч Давлат университети-

дан тўрт, ЎМКХТ тизимидан эса 16 нафар АКТ соҳасининг тажрибали тренер-ўқитувчиси жалб қилинди.

Филиалимиз томонидан "Электрон ҳукумат" ўқув марказининг e-hukumat.uz расмий веб-сайти яратилиб, унга ўқув курси билан боғлиқ барча маълумотлар жойлаштирилипти. Бундан ташқари, республика миқёсида қилинган ишлар назоратини олиб бориш мақсадида тингловчиларнинг ягона базадасини ўз ичига олувчи akt.tuiz.uz портали жорий қилинди.

Ўқув ишларини янада жонлантириш, тренер-ўқитувчилар малака ва тажрибасини ошириш мақсадида улар учун хоризжда, хусусан, Жанубий Корея, Германия каби мамлакатларда қайта тайёрлов курсларини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Юқориди тилга олганимиз — фаолиятимиздан бир шингил, холос. Мақсадимиз эса ходимларнинг малака ва билимини оширишда янги марраларни забт этишдир.

Музаффар МАТНАЗАРОВ,
ТАТУ Урганч филиали
қошидаги "Электрон ҳукумат"
ўқув маркази раҳбари

Хоразм вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан воҳанинг барча шаҳар ва туманларидаги ўқув масканларида "Ҳарбий ватанпарварлик" ойлиги, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур таваллуд айёмлари муносабати билан ғазалхонлик тadbирлари ўтказилди.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ижодига бағишланган ва бошқа тарбиявий-маърифий мавзулардаги илмий-амалий семинарларни ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Марказнинг муҳим лойиҳаларидан бири унинг тақдимоти бағишланган. Унда китобларни электрон шаклга айлантириш усулларида торттиб, "Авесто" ва ўтмишимиз, қадимий ва навқирон Хива, Дишан қалъа ва Ичан қалъа музей-қўриқхоналари ҳақидаги видеороликлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилган. Шунингдек, эфирроф этиш керак, роликларга Урганч Давлат университети талабалари инглиз тилида овоз беришган. Уларга ТАТУ Урганч филиали талабалари видеороликларни монтаж қилиш ишларида ёрдам беришяпти.

— Ҳар йили, анъанага кўра, олий-



гоҳларда вилоят АКМ тақдими ўтказилади, — дейди ўлкашунослик шўбаси мудирини Нина Цой. — Тақдимотда кутубхонада ташкил этилган видеолархалар, адабиётларнинг электрон шакллари ва бу ресурслардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақидаги маълумотлар дарслик шаклида тузилган. Шунингдек, кутубхонанинг тарихи ва бугунги кундаги фаолияти ҳақидаги манбалар намойиш этилади.

— Ўтган йили ТАТУ Урганч филиалида ўтказилган тақдимот талабаларимизда яхши таассурот қол-

дирган эди, — дейди ТАТУ Урганч филиали декани Йўлдош Саидов. — Марказнинг бу лойиҳаси келгусида яхши натижа беришига ишонаман.

"Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", дейишди. Кутубхона эшиклари ҳамма учун очиқ. Биз марказ жамоасига улкан режаларини самарали амалга оширишида муваффақиятлар тилаймиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятдаги муҳбири

Буюк мутафаккир

Вилоят ахборот-кутубхона маркази, тиббиёт коллежи ҳамда Андижон гарнизони тасарруфидаги 53765-ҳарбий қисм ҳамкорлигида "Бобур — буюк мутафаккир ва моҳир саркарда" мавзуда анжуман ўтказилди.

Коллеж ўқувчиларидан Моҳинур Қодирова, Сарвиноз Неъматхонова ва Саодат Алимовалар Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида сўзлаб, шоир ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқишди. Коллежнинг 1-босқич ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Муҳаббатхон Каримованинг бадий чиқиши тadbирга ўзгача шукҳ бағишлади.

Коллежи ўқитувчилари — Марҳабохон Болтабоева ҳамда Одинахон Иномиддиновалар "Бобур Мирзо — ота юрт шайдоси" ва "Андижоннинг моҳир саркардаси" мавзуларида маърузалар ўқиб, рубоийлардан намуналар келтиришди.

Анжуман якунида АКМ бош кутубхоначиси Нигорахон Йўлдошева Бобур халқаро экспедицияси томонидан нашр этилган "Бобур энциклопедияси" марказ жамғармасининг олтин фондига келиб қўшилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Г. ХАЛИЛОВА,
Андижон вилояти
АКМ сектор мудирини

Шиори яхшилик бўлган зот

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига атаб Республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда ЎзЛиДеПнинг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ҳарбий қисм аскарлари иштирокида "Шиори яхшилик бўлган зот" мавзуда шеърят кечаси бўлиб ўтди.

Тadbирда ЎзЛиДеПнинг бўлим раҳбари А. Шодмонқулов, бўлим ходими Д. Тўрақулов ва РМТМ вилоят бўлими етакчи мутахассиси, шоир А. Нурбоевлар ўз маъруза ва шеърлари билан қатнашдилар. Кутубхона ходимларидан О. Утанова, М. Жумабоева, аскарлардан У. Дўстмуродов Бобур ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқишди. Марказ кутубхоначиси Д. Ҳайдарова Бобур ғазалига басталанган "Соқийнома" қўшиғини ижро этди. Шу кунини "Юрт соғинчи билан яшаган шоир" кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Х. РИСКУЛОВА,
АКМ кутубхоначиси



Чилонзор туманидаги 162-мактабда буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари бағишлаб ўтказилган "Жаҳон тан олган алломаларимиз" номли адабий тadbир ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарида катта таассурот қолдирди.

Тadbир она тили ва адабиёт ўқитувчиси Муқаддам Мақсудова раҳбарлигида 6 ва 7-синф ўқувчилари томонидан ўтказилди. Ўқувчилар буюк сиймолар ҳаётига оид саҳна кўринишлари, дostonларидан парчалар, ғазал ва рубоийларини маҳорат билан ижро этишди. Ватан ҳақидаги қўшиқларга барча бирдек жўр бўлди.

— Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур бетақдор ижодий салоҳияти билан инсоният тафакқури хазинасига бемисл улуш қўшган. Уларнинг асарларида улуғланган эзгу гоғлар асрлар оша одамларни комилликка етаклаб келяпти, — деди тadbир ташкилотчиси М. Мақсудова. — Бундай тadbирлар ўқувчилар онги ва қалбида тарихга, маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиши билан аҳамиятлидир.

У. ЙЎЛДОШЕВ

Шу кунларда юртимиз бўйлаб туркийлар орасида "шамс ул-миллат", яъни "миллат қуёши" бўлган бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ва Ҳиндистонда буюк марказлашган давлатга асос солган шоҳ, шоир, тарихчи, геолог, наботот оламининг муҳандиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмлари нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам боболаримиз хотирасига бағишланган "Тарих қаъридаги икки нур" дея номланган адабий-бадий тadbир ўтказилди.

Тарих қаъридаги икки нур

Тadbирни университет ректори Ҳаким Муҳитдинов очиб, икки буюк зотнинг ҳаёт йўлига тўхталди.

Ушбу тadbир одатдагидан бир оз ўзгача бўлиб, бадий тарқин ўзбек, рус, инглиз тилларида олиб борилди. Навоий ва Бобур ғазаллари, рубоийлари, қитъалари, асарларидан парчалар ҳам уч тилда жаранглади. Бугунги замон талаби ҳисобланган жаҳон тилларини мукамал ўрганиш тadbирнинг шукҳли руҳига ҳам сингдирилгани яққол намоён бўлиб турди. Сабаби шуки, биз ким бўлганлигимизни, ким бўлаётганлигимизни ва ким бўлажаклигимизни боболаримиз қиёфасида жаҳон халқларига танитишдир.

Саҳна ўша давр ҳаётини акс эттирувчи жиҳозлар билан безатилгани боис томошабинлар ўтмиш муҳитига тушиб қолгандек бўлишди. Катта экранда боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги видеолархалар тadbирнинг кўрсатиб борилди. Боболаримиз ҳаёти билан боғлиқ воқеалар саҳнада акс эттирилди. Навоий ва Бобур ҳақида нафақат бизнинг, балки жаҳон адабиётчилари, тарихчиларининг ҳам фикрларидан мисоллар келтирилгани айни муддао бўлди.

Фуломжон НАЗАРОВ,
ТАТУ касб таълими
факултети 1-босқич
талабаси

ЖАНУБДА БОДОМ ГУЛЛАДИ



Бодом дарахти новдалари эса ёппасига гулга бурканди.

Киш сафари қариб сўлим баҳор нафаси сезила бошлаган айнаи бир чоғда нафақат мевали дарахт новдаларидаги куртаклар тобора ниш отиб, ранг-баранг гулларга бурканишга ошиқмоқда, балки амалдаги йил мазмуни билан боғлиқ жараёнлар ўзгача аҳамият касб этапти. Ҳозир Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг юз йиллиги олдидан вилоят ахборот-ресурс маркази ҳамда Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази шохобчаларида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Вилоят алоқа корхоналарида эса умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик ишлари жадал бошлаб юборилган. Меҳнатда унумга эришиш билан бирга, аънавий обо-

донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари доимий диққат-эътиборда турибди. "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиаллари жамоалари Шеробод ва Термиз туманлари ҳудудидаги боғларни парваришlash ва кенгайтириш ишларини кучайтириб юборишган. Барча алоқа ходимлари Наврўзни ёруғ юз ҳамда катта шоду хуррамлик билан кутиб олишга қатъий аҳд қилишган.

...Юртимиз жанубида бодом гуллади. Бу сўз қанчалик такрор ва такрор янграйвермасин барибир қадрини йўқотмайди. Нега деганда, мустақил Ватанимизнинг баҳорга пешвоз кишии айнаи шу воҳога насиб этган. Ҳадемай бу қутлуғ манзил осмонида турналар бозор куради. Қалдирғочлар эса айвонларда бир чимдим лойдан курган ўз уйлари топади.

Ҳа, тинч юртни табиатининг тўрт фаслида ҳам қутлуғ байрамлар ва тўй-томшалар тарқ этмайди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

сп рт

TATU ўқитувчиларида Аўранг, талабаларда эса Ғалаба

TATUда футбол бўйича VI очик чемпионат давом этмоқда. Унда 6-тур ўйинлари ўтказилди.

Учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

1. "Капитал-Банк" — "ТЭИС" — 7:4
2. "TATU-талаба" — "АР-ФИН" — 5:0
3. "Нажот-Шифо" — "Қалдирғоч" — 6:1
4. "TATU-ўқитувчилар" — "Вестминстр" — 1:1

Университетимиз талабаларидан иборат жамоа 12 очко билан 4-ўринда бормоқда. TATU ўқитувчилари эса 6-ўринда.

Тўпурақлар рўйхатида "TATU-талаба" жамоаси аъзоси Исқандар Назаров 18та гол билан етакчилик қилмоқда.

Акмал АЛИМАРДОНОВ,
TATU талабаси

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"FLY VICTORY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўча радиотелефон (радиотелефонли, транкли) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2014 йил 27 февралда берилган АА серияли 0004933 рақамли;

"MUNISA FAYZ" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 14 октябрда берилган АА серияли 0003866 рақамли;

"SVYAZ-STROY-OPTIKA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004536 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004537 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 16 февралдан тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида" 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари учун:

"FON" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўча радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2013 йил 30 январда берилган АА серияли 0004573 рақамли;

"BAHTIYOR-TELEKOM" хусусий корхонасининг (Жиззах вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2014 йил 30 январда берилган АА серияли 0004909 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 17 февралдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Тошкент шаҳри аҳолиси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва бошқа коммунал ташкилотлар диққати!

"Ўзбектелеком" АК "ТШТ" филиали Сиздан қўп қаватли тураржойларда хизмат кўрсатувчи турли ташкилотларнинг ходимларига нисбатан огоҳ бўлишингизни сўрайди. Шахсий гувоҳномаси бўлмаган шахсларга (ходим ўз гувоҳномасини кўрсатмаган тақдирда) уйлارнинг ертўлаалари, томлари, электрошитлари ва бошқа техник хизмат кўрсатиш ҳудудлари қалитларини берманг. "Ўзбектелеком" АК "ТШТ" филиалининг ҳар бир ходими ўз гувоҳномасига эга, ушбу гувоҳноманинг ҳақиқийлигини туман телефон алоқаси боғламаси диспетчери рақамларига қўнғирок қилиб аниқлаш мумкин.

Телефон алоқаси боғламалари диспетчери рақамлари:

№	Алоқа боғламаси	Хизмат кўрсатиладиган туманлар	Диспетчер рақамлари
1	Марказий телефон алоқаси боғламаси	Юнусобод	235-04-25
2	Миробод телефон алоқаси боғламаси	Миробод, Сирғали, Яққасарой	255-04-25
3	Шайхонтоҳур телефон алоқаси боғламаси	Олмазор, Шайхонтоҳур	229-04-25
4	Мирзо Улугбек телефон алоқаси боғламаси	Мирзо Улугбек, Яшнобод	262-04-25
5	Чилонзор телефон алоқаси боғламаси	Чилонзор, Учтепа, Шайхонтоҳур	277-04-25
6	Янгиобод телефон алоқаси боғламаси	Бектемир, Яшнобод, Миробод	297-04-25

Ўтапларнинг охири оқибат бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" АЖ жамоаси ахборот технологияларини ривожлантириш маркази гуруҳи бошлиғи Жавдат Ағзамхўжаевга турмуш ўртоғи

Мухайё АҒЗАМХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси жамоаси инспекциянинг норматив ҳужжатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилобар Қосимовага турмуш ўртоғи

Зойитхон ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи Яхшимурод Нуруллаевга волидаи муҳтарамаси

Гулбодом НУРУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Кўпчилик шоғирлари қаторида Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим билан йигирма йил давомида ҳамфикр, ҳамнафас бўлмоқ менга ҳам nasib эди. Устоз таниқли ижодкор, давлат арбоби сифатида ўзига топширилган катта вазифаларга қанчалар масъулият ва сикдикидан ёндашса, ҳар хил тоифадаги одамлар билан муносабатларда ҳам самимий, ғамхўр, жонқуяр, бағрикенг эди. Бу фазилатларининг ширин меваларини Зулфия опани яқиндан таниган ижодкорларнинг ҳар биримиз ўз тақдиримизда яққол кўрганмиз.

Кунлардан бир кун...

Машқ шеърларимни илк бора "Саодат" журналига кўтариб борганимда, Зулфия опанинг ўзига учрашиб кетишни маслаҳат беришди. Қабулхонада икки қиз ўтиришган экан, мен ҳам уларга қўшилиб кута бошладим. Бир пайт салобатли эшик очилди-да, нимадир бир ишни кўзлаб чиққанлиги нигоҳларидан билиниб турган Зулфия опа кўринди. Биз ҳаяжондан салом беролдикми-йўқми, эслолмайман.

— Сизлар менгами? — деб сўради ва шахд билан қўшиб қўйди. — Учалангизга икки дақиқа вақтим бор.

Шундай дея ичкарига қайтди, биз орқасидан эргашдик. Ёнимдаги икки қизнинг қарашларидан Зулфия опа билан ёлғиз қолмоқчи эканликларини англаш қийинмасди. Устоз менга: "Эшитаман", — деган маънода юзланди. Кўлимдаги ёзувларни "шеър" дейишга тилим бормаи тардудландим. — Шеърлар олиб келдингизми? — деб мени ноқулай вазиятдан чиқарди опа. — Ташлаб кетинг, кўраман.

Бир дастақоғозни кўлларига тутқазиб, ҳаяжондан қоқилмай-йиқилмай ташқарига чиқиб олганимга шукр қилдим.

Икки ойдан кейин яна "Саодат" тахририятига борганимда, ходимлар мени шунақанги эътибор билан кутиб олишди-ки!.. Дарров Зулфия опанинг олдига бошладим. Кўзи тушиши билан меҳрларини ҳис этдим.

— Ҳа, "Қатим тортар қизгина" (менинг шеъримдан сатр эди — М.У.), келдингизми? — деди. — Аввалги сафар кўришган пайтимизда "Саодат"нинг навбатдаги сонини нашриётга топшираётгандик. Графикда белгиланган вақтдан ярим соат ҳам кечиктиролмаймиз, шунинг учун бафуржа гаплашолмадим. Лекин ўша кунийё

шеърларингизни уйга олиб кетдим-у, йўлақда турганча, ҳатто пойабзалимни ҳам ечмасдан ўқишни бошладим. Биринчиси, иккинчиси, учинчиси... ўша ҳолатда ҳаммасини ўқиб чиқдим-у, сизни яхши гаплар билан кузата олмаганимга афсусландим...

Шундан кейин менга "Саодат"нинг кейинги сони корректурасини кўрсатишди. Унинг икки саҳифасидан машқларим жой олганди.

Шундай, Зулфия опа — танишми, нотанишми — ҳар кимнинг иқтидори, меҳнати, мақсадига қараб рағбатлантирар, тақдирлар эди. Раҳбарликларидан ишлаган йилларим турфа одамлар билан муносабатларининг гувоҳи бўлдим, шoirанинг бирор кимсага ортиқча мулозамат қилганини кўрмадим, чунки ўзи мулозаматталаб эмасди.

"Саодат" журналида янги ишлаб бошлаган йилларимиз... Дугонам Кутлибеканинг ўз даврадошларимиз орасида меҳр билан гапириб юриши шарофатидан менинг овқатларни ширин пиширишим анча-мунча овоза бўлиб кетганди. Зулфия опа ҳам буни эшитганимда ёки қизларнинг ҳаммаси чучвара туғишга уста бўлади, деб ўйлаганимкин, билмадим, хуллас... Хонада ишлаб ўтиргандим, шошилиб кирди-да, ўша кунларда Тошкентда меҳмон бўлиб турган ижодкорларни уйига меҳмонга таклиф қилганини айтиб, "Бир оздан кейин бизникига борамиз. Чучвара қилиш керак", — деди.

Онам ошхона ишларини, пишир-куйдирни жуда эрта биз — қизларига топшириб қўйган бўлса-да, хамирни, хамирли тоамларни фақат ўзи тайёрларди. Ўша пайтгача ўзим бирор марта ҳам мустақил равишда чучвара пиширмагандим. Қизиқ аҳволда қолдим: бу иш кўлимдан келмаслигини тан олишгаям, билмаган юмшимга индамай қўл уришгаям хайронман — оқибати нима бўларкин? Меҳмонлар эса бири-биридан таниқли ижодкорлар. Тушундимки, уларнинг Зулфия опаникига ташрифи аввалдан режалаштирилмаган, агар шундай бўлганида, устознинг қизлари, келинлари олдиндан тайёрларлик кўришлари одатий ҳол эди.

Таваккал дедим-да, ўтирган жойимда чучваранинг хамиржилди катталигида қоғозчалар қирқиб, чучвара туғишни машқ қилдим.

Опанинг уйига боргач, ошхамир олиб, уни ёя бошлаганимдаёқ бу вазифага нўноқлигим кўрин-

ди-қолди: ёйган хамирларим нотекис, бир жойи қалин, бошқа жойи юлқа, йиртилиб кетяпти. Зулфия опа эса меҳмонлар билан банд. Ичим тўла таъшиви: қанақа чучвара бўларкин? Яна бошқа томондан бу ерга опа кириб қолишидан хавотирдаман. Ўйлаганимдай, шошилиб ошхонага кириб келди, мен бу пайтда йиртилган хамирни "улаётгандим". Ишимга кўзлари тушди, менимча, бир қарашдаёқ вазиятни англади, ammo ҳеч нарса билмагандек хонадан чиқиб кетди. Қайтиб бу ерга киради. Менимча, яна ноқулай аҳволга тушишимни истамади.

Таом ҳам пишди, одатдагидан икки-уч барабар катталиқдаги чучвараларни қайла билан безаб-беркитиб, лаганларда дастурхонга тортидик. Ammo масалликлар меъёрида, сифатли бўлгани учун таом мазали бўлган эди. "Ширин бўпти", — деб миннатдорлик билдирди меҳмонларни кузатгандан сўнг. Тамом, бу ҳақда қайта сўз очилмади.

Кейинчалик ҳам Зулфия опанинг кимлардир ўзи билмаган ёки истамаган ҳолда ёки тажрибасизлиги оқибатида йўл қўйган хато ва камчиликларини билиб билмасликка олганларига кўп гувоҳ бўлдим. Кишини ноқулай аҳволга солишни истамасди опа.

Зулфия опанинг "Саодат" тахририятига бевосита алоқадор бўлмаган ишларини, аниқроғи, бошқа нашрлар ёки китоб учун шеър ва мақолаларини машинада асосан котиба Гулнора опа кўчирарди. Бу касб онасидан ёдгорлик бўлган Гулнора опанинг эри вафот қилган, уч фарзандига ўзи ҳам ота, ҳам она эди. Шунинг учун доим уйда ҳам машина чиқиллатиб тинмасди. Кўнгулга нималар келмайди? "Зулфия опа Гулнорани ишлатиб меҳнат ҳақини берармикин?" — деган савол баъзан тор давраларда эшитилиб қоларди. Бир кун Гулнора опадан шу тўғрида сўрадим. "Ҳар бир иш учун алоҳида-алоҳида ҳақ бермайди, — деди Гулнора опа. — Лекин мавриди келганда, бирор сабабни баҳона қилиб ҳизматларимни ортиги билан қоплайдиган тарзда ёрдам беради".

Бу — бир кичкина мисол. Зулфия опа на моддий, на маънавий томондан бирор кишининг олдида қарздор бўлиб қолмаслик учун бу масалада жуда хушёр эди.

Мухтарама УЛУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида ҳизмат
кўрсатган маданият ходими

ЮЛДУЗ

Уйда бўғилдим у қикдим эшикка,
Ер устига чўккан оқшомги туман,
Гўё кўзларимга боққандай тикка
Яшнардан бир юлдуз худди сенсимон.

Худди сендай узоқ ва сендай ёрқин,
Авжи чақнаганда сўнади у ҳам,
Бир юпанч: севгимнинг осмонидан
Ўчмасдан ёнасан, эй гўзал ҳамдам!

1944

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жаобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Мавзвл: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-265 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 14253 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.